

**БТМ кафедраси уқитувчиси Ф.Махкамовнинг она тил фанидан I курслар учун
маърузалар матни (сиртки булимлар учун)**

Мавзу: Лексикология хакида умумий маълумот.

Суз ва унинг маъноси.

Режа:

1. Лексикология хакида маълумот:

А) Лексикология қисмлари. Лексика, семантика, этимология.

Б) лексикология турлари: умумий лексикология, чоғиштирма лексикология, конкрет лексикология.

2. Суз ва унинг маънолари.

А) лексик маъно

Б) грамматик маъно.

Таянч суз ва иборалар:

Лексикология, лексика, семантика, этимология, чоғиштирма лексикология, умумий лексикология, конкрет лексикология, лексик маъно, контекст, грамматик маъно.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Я.Д.Пинхасов. Хозирги узбек адбий тили. Тошкент, «Укитувчи» 1969 й.
2. А.Нурмонов, Р.Расудов, Узбек тили жадвалларида. Тошкент, «Укитувчи» 1993 й.
3. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Рахматуллаев. «Хозирги узбек адабий тили» Тошкент. «Ўзбекистон» 1992 й.
4. М. Мирзаев, С.Усмонов, И. Расулов «Ўзбек тили» Укитувчи 1970 й.
5. Ш. Шоабдурахмонов ва бошқалар «Хозирги узбек адабий тили» I қисм укитувчи 1980 й. Тилшуносликда лугат сузи кенг мўнода ишлатилади. Лугат лексик бирлик (суз бойлик)ни ҳам, фразалогик бирлик (ибора бойлик)ни ҳам уз ияига камраб олади. Лугат китобларида суз маънолари билан бир қаторда ибора маънолари ҳам урганилади, изоҳланади. Демак, суз бойлиги билан ибора бойлиги йигиндисига лугавий бирликлар дейилади. Лугавий бирликлар иккига булинади. Лексикология.Фразеология.Лексикология, юкорида айтилганидек, лугат составини, суз бойлигини текширади. Лексикология – юнонча лехис – «суз», логос – «таълимот, фикр» маъносини билдиради. Тилдаги сузларнинг жами лексикани (лугат составини) ташкил этади. Лексикологияда сузлар куйидаги хусусиятлари буйича урганилади. Сузнинг семантик структураси.

1. Сузларнинг шакл ва маъно муносабати.
2. Лексикадаги сузларнинг уз ва узлашган эканлиги.
3. Кулланишига кура сузларнинг умумий ёки чегараланганлиги.
4. Тарихий жihatдан узбек тили лексикаси.
5. Сузларнинг эмоционал – экспрессив буюк ва услубга муносабати.

Лексикология асосан уч кismга булиб урганилади.

1. Лексика – маълум бир тилнинг суз бойлигини, лугат составини урганади.
2. Семасиология – сузларнинг маъносини урганади.
3. Этимология – сузларнинг келиб чиқишини урганади.

Лексикология турлари.

1. Умумий лексикология – барча тилларнинг сузларига, лексик бирликларига хос булган конуниятларни урганади.

2. Чогиштира лексикология – кариндош тилларнинг барчаси ёки бир нечасининг суз бойлигини киёсий текширади.

3. Конкрет лексикология – иккинчи булиб урганилади.

А) тарихий лексикология – маълум бир конкрет тил суз бойлигининг тарихий тараккиётини, ундаги сузларнинг келиб чиқишини текширади.

Б) тасвирий лексикология – конкрет бир тилнинг hozirgi mavjud суз бойлигини урганади, унинг конуниятларини текширади.

Сузнинг семантик структураси шу сузга хос маъно (маъно ва кушимча оттенкалар)дан иборат булади.

Тушунча мантик категорияларидан биридир. Тушунча объектив борликнинг умумий томонларини акс эттиради. Тушунча тафаккурнинг асосий бир шакли хисобланади. Тафаккур уч шаклда тушунча, мухокама ва хулоса шаклларида уз ифодасини топади.

Тушунча предмети ва воқеа – ходисаларнинг умумий томонлари ҳамда мухим белгиларини ифодалайди.

Мухокама предмет ва воқеа ходисаларнинг тасдиқ ё инкор шаклида узаро алоқа ва муносабатларини курсатади.

Хулоса ҳам фикрлаш жараёни булиб, бир ёки бир неча мухокамадан янги бир мухокамага келиш демакдир.

Суз тафаккурнинг бир шакли булган бир тушунчани ифодалайди.

Тилдаги барча сузлар маъноли булса-да, лекин улар маънонинг энг умумий хусусиятларига кура ҳам узаро фаркланади. Масалан, тилдаги сузларнинг асосий кismi объектив борликдаги

нарсa, белги ёки ҳаракат ҳақидаги тушунчани бидиради: пахта, сув, ок, текис каби. Бошқа сузлар эса, яъни ёрдамчи сузлар (билан, учун, ва, агар каби) тушунча ифодаламайди.

Тушунча ифодалайдиган сузларгина лексик маъно ифодалайди.

Лексик маъно.

Сузнинг объектив борлиқдаги нарсa, белги, ҳаракат кабилар ҳақидаги маълумоти лексик маъно дейилади.

Лексик маъноли сузлар нарсa, белги ёки ҳаракатнинг айнан узини эмас, балки улар ҳақидаги тушунчани ифодалайди. Тушунча эса нарсa, белги, ҳаракат кабиларнинг киши онгидаги умумий инъикосидир

Масалан: борлиқда дарахтнинг тури жуда куп унинг микдори бехисоб. Дарахт сузи шулардан конкрет биттасини атамайди, балки шу предмет ҳақидаги умумий тушунчани ифодалайди.

Нутк товушлари йигиндиси сузнинг ташки томони (фонетик структураси) булса, маъно сузнинг ички томони (семантик структураси) дир.

Суз тилдаги асосий бутунлик саналади. Бу бутунлик эса, уз функциясини грамматик шаклланиши натижасида бажаради. Масалан: Бугунги ишни эртага куйма деган мақоладаги сузлар муайян тартибда ва талаб килинган грамматик шакллар (-ги, -ни, -га, -ма) билан кулланмаганэа эди (бугун, иш, эрта, куй) фикр руёбга чикмай, мақсад англашилмай қолар эди. Шунинг учун ҳар бир суз фонетик, лексик, грамматик жихатдан шаклланган булиши даркор.

Ҳар бир суз товуш томони (фонетик структураси) билан маъно томони (семантик структураси) нинг бирлашмасидан иборат. Нутк товуши уз-узига маъно англазмайди, чунки ёлғиз олинган бир товушнинг (э, к, л,) ёки тартибсиз олинган товушлар тудаси (м р к л, х л к а ...) маъноси йук. Шунинг учун булар суз саналмайди. Нутк товушлари муайян бир тилнинг қонун – қоидаларига мувофиқ маълум тартибда қелгандагина, бир лексикграмматик бутунлик ҳолида маъно ифодалай олади.

Мавзу: Лексикология хакида умумий маълумот.

Суз ва унинг маъноси.

Режа:

3. Лексикология хакида маълумот:

А) Лексикология қисмлари. Лексика, семантика, этимология.

Б) лексикология турлари: умумий лексикология, чоғиштирма лексикология, конкрет лексикология.

4. Суз ва унинг маънолари.

А) лексик маъно

Б) грамматик маъно.

Таянч суз ва иборалар:

Лексикология, лексика, семантика, этимология, чоғиштирма лексикология, умумий лексикология, конкрет лексикология, лексик маъно, контекст, грамматик маъно.

Фойдаланилган адабиётлар:

6. Я.Д.Пинхасов. Хозирги узбек адабий тили. Тошкент, «Укитувчи» 1969 й.

7. А.Нурмонов, Р.Расудов, Узбек тили жадвалларида. Тошкент, «Укитувчи» 1993 й.

8. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Рахматуллаев. «Хозирги узбек адабий тили» Тошкент. «Ўзбекистон» 1992 й.

9. М. Мирзаев, С.Усмонов, И. Расулов «Ўзбек тили» Укитувчи 1970 й.

10. Ш. Шоабдурахмонов ва бошқалар «Хозирги узбек адабий тили» I қисм укитувчи 1980 й.

Тилшуносликда лугат сузи кенг мѣнода ишлатилади. Лугат лексик бирлик (суз бойлик)ни хам, фразалогик бирлик (ибора бойлик)ни хам уз ияига камраб олади. Лугат китобларида суз маънолари билан бир каторда ибора маънолари хам урганилади, изохланади.

Демак, суз бойлиги билан ибора бойлиги йигиндисига лугавий бирликлар дейилади. Лугавий бирликлар иккига булинади.

1. Лексикология.

2. Фразеология.

Лексикология, юкорида айтилганидек, лугат составини, суз бойлигини текширади. Лексикология – юнонча лехис – «суз», логос – «таълимот, фикр» маъносини билдиради.

Тилдаги сузларнинг жами лексикани (лугат составини) ташкил этади.

Лексикологияда сузлар куйидаги хусусиятлари буйича урганилади.

6. Сузнинг семантик структураси.

7. Сузларнинг шакл ва маъно муносабати.

8. Лексикадаги сузларнинг уз ва узлашган эканлиги.

9. Кулланишига кура сузларнинг умумий ёки чегараланганлиги.

10. Тарихий жихатдан узбек тили лексикаси.

11. Сузларнинг эмоционал – экспрессив буёк ва услубга муносабати.

Лексикология асосан уч кисмга булиб урганилади.

1. Лексика – маълум бир тилнинг суз бойлигини, лугат составини урганади.

2. Семасиология – сузларнинг маъносини урганади.

3. Этимология – сузларнинг келиб чиқишини урганади.

Лексикология турлари.

1. Умумий лексикология – барча тилларнинг сузларига, лексик бирликларига хос булган конуниятларни урганади.

2. Чогиштирама лексикология – кариндош тилларнинг барчаси ёки бир нечасининг суз бойлигини киёсий текширади.

3. Конкрет лексикология – иккинчи булиб урганилади.

А) тарихий лексикология – маълум бир конкрет тил суз бойлигининг тарихий тараккиётини, ундаги сузларнинг келиб чиқишини текширади.

Б) тасвирий лексикология – конкрет бир тилнинг хозирги мавжуд суз бойлигини урганади, унинг конуниятларини текширади.

Сузнинг семантик структураси шу сузга хос маъно (маъно ва кушимча оттенкалар)дан иборат булади.

Тушунча мантик категорияларидан биридир. Тушунча объектив борликнинг умумий томонларини акс эттиради. Тушунча тафаккурнинг асосий бир шакли ҳисобланади. Тафаккур уч шаклда тушунча, муҳокама ва ҳулоса шаклларида узифодасини топади.

Тушунча предмети ва воқеа – ҳодисаларнинг умумий томонлари ҳамда муҳим белгиларини ифодалайди.

Муҳокама предмет ва воқеа ҳодисаларнинг тасдиқ ё инкор шаклида узаро алоқа ва муносабатларини курсатади.

Ҳулоса ҳам фикрлаш жараёни бўлиб, бир ёки бир неча муҳокамадан янги бир муҳокамага келиш демакдир.

Суз тафаккурнинг бир шакли бўлган бир тушунчани ифодалайди.

Тилдаги барча сузлар маъноли бўлса-да, лекин улар маънонинг энг умумий хусусиятларига қура ҳам узаро фаркланади. Масалан, тилдаги сузларнинг асосий қисми объектив борликдаги нарса, белги ёки ҳаракат ҳақидаги тушунчани бидиради: пахта, сув, оқ, текис каби. Бошқа сузлар эса, яъни ёрдамчи сузлар (билан, учун, ва, агар каби) тушунча ифодаламайди.

Тушунча ифодалайдиган сузларгина лексик маъно ифодалайди.

Лексик маъно.

Сузнинг объектив борликдаги нарса, белги, ҳаракат қабилар ҳақидаги маълумоти лексик маъно дейилади.

Лексик маъноли сузлар нарса, белги ёки ҳаракатнинг айнан узини эмас, балки улар ҳақидаги тушунчани ифодалайди. Тушунча эса нарса, белги, ҳаракат қабиларнинг киши онгидаги умумий инъикосидир

Масалан: борликда дарахтнинг тури жуда қуп унинг миқдори бехисоб. Дарахт сузи шулардан конкрет биттасини атамайди, балки шу предмет ҳақидаги умумий тушунчани ифодалайди.

Нутқ товушлари йигиндиси сузнинг ташки томони (фонетик структураси) бўлса, маъно сузнинг ички томони (семантик структураси) дир.

Суз тилдаги асосий бутунлик саналади. Бу бутунлик эса, уз функциясини грамматик шаклланиши натижасида бажаради. Масалан: Бугунги ишни эртага қуйма деган мақоладаги сузлар муайян тартибда ва талаб қилинган грамматик шакллар (-ги, -ни, -га, -ма) билан қўлланмаганга эди (бугун, иш, эрта, қуй) фикр қўйбга қикмай, мақсад англашилмай қолар эди. Шунинг учун ҳар бир суз фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан шаклланган бўлиши дарқор.

Ҳар бир суз товуш томони (фонетик структураси) билан маъно томони (семантик структураси) нинг бирлашмасидан иборат. Нутқ товуши уз-узига маъно англамайди, чунки ёлғиз олинган бир товушнинг (э, қ, л, ...) ёки тартибсиз олинган товушлар тудаси (м р қ л, х л қ а ...) маъноси йук. Шунинг учун булар суз саналмайди. Нутқ товушлари муайян бир тилнинг

конун – коидаларига мувофик маълум тартибда келгандагина, бир лексикграмматик бутунлик холида маъно ифодалай олади.

МАНВЗУ: Бошлангич синф укувчиларининг дунёкарашини шакллантиришда она тилининг урни. Она тили дастури, дарслик ва укув режаси. ДТС ва унинг талаблари.

РЕЖА:

1. Она тили – укувчи дунёкарашини шакллантирадиган ва ривожлантирадиган фан.
2. Она тили дарсларида укувчи дунёкарашини шакллантиришда фанлараро богликлик муносабати.
3. Она тили дастури.
4. Давлат таълим стандарти ва унинг талаблари.

Таянч суз ва иборалар.

Дунёкараш, лингвистика, ижтимоий ходиса, дастур, укув режа, Давлат таълим стандарти.

Укувчиларга таълим ва тарбия беришнинг вазифаларидан бири уларда дунёкарашни шакллантиришдир. Хар бир укув предмети уз мазмуни ва максадига асосан укувчида дунёкарашни шакллантириш гоёларини илгари суради.

Укувчиларга узбек тили конуниятларини ургатиш давомида уларнинг теварак-атрофга ва ходисаларга муносабати шакллантирилиб борилади. Айникса, укувчиларга тилнинг ижтимоий ходиса эканлиги, тил кишилар уртасидаги алока воситаси эканлиги чукур ургатилади.

Бошлангич синфларда савод ургатиш давриданок укувчилар дунёкараши шакллантирилиб, ривожлантирилиб борилади. Хар бир товуш, харф укувчиларга ургатилганда уша харф иштирокида сузлар тузиш ва бу сузларнинг нима маъно англатиши, ранги, шакли, мазаси кандай булиши (агар суз нарса-буюм булса), кандай вазифа бажариши, унга нисбатан кандай муносабатда булиш укувчиларга сингдирилади. Масалан, Б харфи ургатилганда барг таърифланади: ранги суралади ва укитувчи томонидан гуллар, буталар, дарахтлар баргларининг фойдали хусусиятлари тушунтирилади, укувчиларнинг табиатга булган муносабатлари шакллантирилади. Ёки «БОБО» сузини укитиш ва унинг мазмунини ургатишда, бобо сузидаги товушлар, бугинлар, унлилар, ундошларни тушунтириш билан бирга бобонинг кимлиги, бобога нисбатан кандай муносабатда булишимиз укувчилар онгига сингдирилади.

Демак, укувчиларнинг дунёкарашини шакллантириш унинг дастлабки савод ургатиш давридаёк бошланади.

Иккинчи, учинчи ва туртинчи синфларга утганда эса утилаётган мавзу мазмунига караб, кенгрок тушунчалар сингдира борилади.

Укувчи онгида дунёкараш шакллантиришни бошка фанларга боглаб ургата борилади. Масалан, математикага, меҳнатга, тасвирий санъатга, мусикага.

Топширик:

Она тили дарсини утиш мобайнида бирор фанга боглаб укувчида дунёкараш шакллантиришни тушунтиринг.

Она тили дарсларида укувчиларда дунёкарашни шакллантиришда хар бир утиладиган мавзуни амалиётга, хаётга боглаб тушунтириш янада ижобий натижа беради. Бунда укувчи онгида, шубхасиз, хам назарий билимларни эгаллаш осонлашади, хам унинг теварак-атрофга муносабати самарали шаклланади. Ва, шу уринда, она тилига булган мухаббати ортади.

Укувчида она тили дарсларида дунёкарашни шакллантириш – бу укитувчининг педагогик махоратига боглик.

Агар укитувчи бир соатлик дарсини махорат билан мисоллар, кургазмалар асосида утиб, укувчи дунёкарашни шакллантира олса, у чинакам инсон камолоти чуққисининг забт этувчисидир.

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ.

Бошлангич таълим Давлат стандарти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган (1) «Таълим тугрисида»ги Қонунга ва (2) «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг (3) «Ўзлуксиз таълим тизимида давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тугрисида»ги 1998 йил 5 январь қарорига ҳамда «Давлат таълим стандарти тугрисида»ги Низомга асосланган ҳолда берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, шакли, воситалари ҳамда принциплари танланиши биринчи даражали эътирофга айланди.

«Таълим тугрисида»ги Қонуннинг «Давлат таълим стандарти тугрисида»ги 7-моддасида белгилаб берилганидек, «Давлат таълим стандартлари умумий урта, урта махсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди. Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандартларини
тасдиқлаш тугрисида.

«Таълим тугрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий урта таълимни ташкил қилиш тугрисида» 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорининг бажарилишини таъминлаш, таълим мазмунига ислохотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда зарур тузатишлар киритиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 1998-1999 уқув йилида таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтган умумий урта таълимнинг давлат таълим стандартлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазирлиги:
 - 1998-1999 уқув йилида таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтган умумий урта таълимнинг уқув дастурлари ва режаларини белгиланган тартибда тасдиқласин;
 - 1999-2000 уқув йилидан бошлаб умумий урта таълимнинг давлат таълим стандартларини умумий урта таълим муассасаларида уқув дастурлари билан биргаликда қўйидагича босқичма-босқич жорий этсин:
 - 1999-2000 уқув йили 1-6-синфлар;
 - 2000-2001 уқув йили 7-синф;
 - 2001-2002 уқув йили 8-синф;
 - 2002-2003 уқув йили 9-синф;
 - умумий урта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва уқув дастурларини нашр этсин ва 1999 йил 1 сентябргача таълим муассасаларига етказсин;
 - янги давлат таълим стандартлари ва уқув дастурларига асосан оригинал дарсликларни яратиб, белгиланган тартиб ва муддатларда нашриётга топширсин;
 - «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида 1999-2000 уқув йилидан бошлаб педагог кадрларни янги давлат таълими стандартлари ва уқув дастурлари билан фаолият курсатишларини таъминласин;
 - 3-, 4-, 5-бандлар нашриётларга, академик лицейлар, касб-хунар коллежларига тааллуқли;
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг уринбосари Х.С.Қароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси И.А.Қаримов.
16 август, 1999 йил.

Давлат таълим стандартини вужудга келишидаги асос буладиган меъёрий хужжатлар.

1. «Таълим тугрисида»ги Конун.
29 август, 1997 йил. IX сессия.
2. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисида»ги Конун.
29 август, 1997 йил. IX сессия.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори:
«Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тугрисида».
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:
«Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тугрисида». 203-сон, 13 май 1998 йил.

Укувчиларнинг тайёргарлик даражасига куйиладиган

мажбурий минимал талаблар.

Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандарти бошлангич ҳамда умумий урта таълим нихоясида укувчилар эгаллаши лозим булган билим, куникма ва малакаларнинг минимал даражасини белгилаб беради.

Хар бир синф якунида укувчилар эгаллаши лозим булган билим, куникма ва малакалар таълими предметлар буйича ишлаб чикилган укув дастурларида уз аксини топган.

1-4-синфлар:

1. Она тили ва укиш.

А/ укиш техникаси буйича –

микдорий курсаткич: бир дакикада 80-90 сузни укий олиш.

Талаблар:

- харфларни тугри талаффуз этиш;
- сузларни тугри укий олиш;
- гап охангига риоя килган холда равон ва образли укиш;
- гапдаги тиниш белгиларини талаффузда акс эттириш;
- санаш ва ажратиш охангларида тугри фойдаланиш;
- суз ургуларига риоя килиш;
- охангга риоя килиш;
- илмий атама ва рамзларни тугри талаффуз этиш.

Б/ матн мазмуни ва узгалар фикрини англаш малакаси буйича –

микдорий курсаткич:

10 дакикада 4-5 сахифани матнли укиб, кайта сузлаб бера олиш.

Талаблар:

- огзаки нуткнинг тугри, равон, аник, тушунарли ва таъсирчан булиши;
- монологик нуткнинг равон булиши;
- диалогик нуткда таъсирчан, изчил, мантикий жихатнинг аник булиши.

В/ Диктант ёзиш малакаси:

1-синфда укув йилининг 2-ярмида: 20-25 суз;

2-синфда укув йилининг 1-ярмида: 25-30 суз, 2-ярмида 35-40 суз;

3-синфда укув йилининг 1-ярмида: 45-55 суз, 2-ярмида 55-65 суз;

4-синфда укув йилининг 1-ярмида: 65-70 суз, 2-ярмида 75-80 суз;

Баён:

2-синфда 35-40 сузли матн юзасидан сурок гаплардан тузилган тайёр режа асосида матн тузиш.

3-синфда 65-70 сузли матн юзасидан биргаликда тузилган режа асосида баён ёзиш, сунгра мустакил равишда тезилган режа асосида баён ёзиш.

2. Фикрни ёзма равишда баён этиш малакаси буйича:

Микдорий курсаткич: 5-6 гапдан иборат булган матнни (фикр эхтиёжи билан боглик мавзу асосида) яратиш.

Талаблар:

-харф ва тиниш белгиларини тугри ёзиш;

- хуснихатда каторларни тугри жойлаштириш;
- сузлар орасидаги ораликни тугри белгилаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. К.Каримова. Бошлангич синфларда она тили уқитиш методикаси. Тошкент. «Уқитувчи». 1985.
2. Таълим тараккиёти ахборотномаси. 7-махсус сон. «Шарк», 1999 йил.
3. М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов. Узбек тили. Тошкент. «Уқитувчи», 1970.
4. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Рахматуллаев. Хозирги узбек адабий тили. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил.

Мавзу: Она тили уқитишнинг лингвистик, психологик ва педагогик асослари

Р Е Ж А:

1. Она тили уқитишнинг лингвистик асослари.
2. Она тили уқитишда психологик омиллар.
3. Она тили уқитишнинг педагогик асослари.

Таянч суз ва иборалар:

лингвистика, психологик омил, педагогик асос, товуш қурилиши, шакл ва мазмун.

Мактабда уқув предмети сифатида тилни урганиш системаси тилнинг барча томонларини, яъни, фонетикаси, лексикаси, суз ясалиши ва грамматикаси (морфология ва синтаксис)нинг узаро ички боғланишларига асосланади.

Тилнинг лугат состави канчалик бой бўлса ҳам, грамматикасиз у улик ҳисобланади. Алоқа мақсадида хизмат қилиш учун лугат составидаги сузлар бир-бири билан грамматик жihatдан узаро боғланиб, гап тузилади. Мана шу тузилган гап орқали фикр ифодаланади.

Тилнинг ҳар бир томонининг хусусияти ундаги тил бирликларининг узиға ҳослиғида намоён бўлади. Фонетика учун бундай тил бирлиғи нутқ товушлари, фонемалар, лексикология учун маъноси ва қулланиши нуктаи назаридан суз, грамматика учун суз формалари, суз бирикмаси, гап-суз ясалиши учун морфема, тузилиши ва ясалиши тарафидан суз ҳисобланади.

1. Тилнинг барча (лексик, фонетик, суз яшаш, грамматик) томонлари узаро боғлиқлиғини ва уларнинг ҳар бири узиға ҳос хусусиятларға ҳам эға эканлиғини ҳисобға олиб, уқувчилар тилни онгли узгартиришлари учун тилнинг ҳар бир томони хусусиятларини ва улар уртасидаги боғланишни ушлаштиришлари зарур.

2. Мактабда тилнинг барча томонларини, яъни талаффузи, лексикаси, грамматикаси, суз ясалишини бир-бири билан боглик холда урганиш она тили ургатишнинг етакчи методик принципи хисобланади. Буни амалга ошириш тил усувчан, бир-бирига узаро таъсир этадиган томонлари мавжуд булган мураккаб ходиса эканини тушунтиришда илмий асос хисобланади.

Узбек тилини ургатиш натижасида укувчиларда уз фикрини грамматик тугри, услубий аник, мазмунли, охангга риоя килиб ифодалай олиш ва уни имловий тугри ёза олиш куникмалари шакллантирилади. Бу вазифа укув предмети сифатида узбек тилининг узига хос хусусияти булиб, укувчини шахс сифатида шакллантиришга йуналтирилган умумтаълим вазифалари билан боглик холда амалга оширилади.

Узбек тили курсида бериладиган билимлар мазмунини узбек тилининг товуш тузилиши ва ёзма нуткда товушларни ифодалаш усуллари хакидаги (фонетик ва график); сузларнинг узгариши ва гапда сузларнинг богланиши хакидаги (морфологик ва синтактик); сузнинг морфемик таркиби ва суз яшасуслари хакидаги (суз ясалишига доир); сузларнинг лексик-семантик гурухи хакидаги (лексикология); узбек тилининг тугри ёзув принциплари ва тиниш белгиларининг ишлатилиши (орфографик ва пунктацион) билимлар ташкил этади.

Тил ходисаларини фикран тасаввур этиш – абстрактлаштириш, умумлаштириш, таснифлаш, таккослаш кабилар педагогика фани методлари